



**Куръон хомилларининг ахлоки (8-кисм)**

*(Давоми...)*

**Куръон ўқиб, у билан Аллох азза ва жалланинг розилигини ирода килмайдиган кишининг ахлоки хақидаги боб**

Мухаммад ибн Хусайн айтишича, дунё ёки дунё кишилари учун Куръон ўқийдиган одамнинг ахлоки шуки, у Куръоннинг лафзидан ёд олиб, унинг чегараларини бузадиган, ўзини улуглайдиган, бошқалардан катта оладиган бўлади. У Куръонни бойлардан пул ундирадиган тирикчилик матоси килиб олади, у билан хожатларини чиқаради. У бойларнинг болаларини хурмат килиб, камбагалларнинг фарзандларини тахкирлайди. Агар бойга таълим берса, унинг дунёсидан тамаъ килиб, унга мулойим бўлади. Аммо камбагалга таълим берганида унга кўполлик килади, чунки ундан кутадиган дунёси йўқ-да. У яна Куръон билан камбагалларни хизматга солади, бойларга гердаяди. Агар овози чиройли бўлса, подшоҳларга кироат килиб беришни, уларга имом бўлиб намоз ўқиб беришни яхши кўради, уларнинг дунёларидан умид килади. Агар камбагаллар унга имомлик килиб беришини сўрасалар, уларнинг кўлларидан дунёлари оз бўлгани учун бу таклиф унга огир келади. Унинг истаги факатгина дунё бўлади, у каерда бўлса, ўша жойда ётиб олади.

У одамларга Куръон билан мағрурланади. Ўзидан кам ёд олган кишига Куръондан ўзидаги ортиклик ва кироатларни кўпрок билиши билан эътироз билдириб қарши чиқади. Аслида улар шундай кироатларки, агар аклини ишлатса, уларни кироат қилмаслиги лозимлигини билар эди. Бас, сен уни димоғдор, мутақаббир, фарқламай кўп гапирадиган эканини кўрасан. У ўзида ёд олмаган кишини айблайди. Агар бирортаси у каби ёд олганини билиб қолса, унинг айбини кидиради. Ўтирганда мутақаббирлик билан ўтиради. Бировга таълим берганида ўзини катта тутди. Унинг қалбидан хушўга [\[1\]](#) жой бўлмайди. Серкулги, бефойда нарсаларга берилган бўлади. Ёнидаги киши билан гаплашиб, мурожаат қилган кишига қарамайди, тинглаши лозим бўлган нарсадан кўра ошнасига кўпрок қулоқ тутди. Бирор хофизни эшитса, уни пинхон тутди.

У Робб азза ва жалланинг қаломидан кўра одамларнинг гапларини эшитишни кўпрок хоҳлайди. Куръон тинглаганида хушў ва хавф қилмайди, йигламайди, маҳзун бўлмайди, тиловат қилинаётган нарсани фикр қилишга ўзини мажбур этмайди, холбуки, у шунга қақирилган эди.

У дунё ва унга яқин нарсаларга интилади, шунинг учун газабланади, рози бўлади. Агар бирор киши унинг ҳаққини қамай тирса: «Ахли Куръонларнинг ҳаққари қамай тирилмайди, хожатлари чиқарилади», дейди. Одамлардан ўз ҳаққини талаб қилади, аммо Аллоҳ азза ва жалланинг ҳаққини ўзидан талаб қилмайди. Бошқа учун газабланиб, «Аллоҳ учун...» дейди, аммо Аллоҳ учун ўзига газаб қилмайди.

У қаёқдан пул топаётганига, ҳалолданми ё ҳаромданми, эътибор бермайди. Дунё унинг қалбидан энг муҳим нарсага айланиб бўлган, агар ҳалол бўлмаган бойлигидан бирор

нарсани йўкотса, ўлимига хафа бўлганидан кўра кўпрок хафа бўлади.

У Куръон одобни ила одобланмайди, ваъда ва ваъидларда [2] ўзини койимайди. Ўқиган ёки унга тиловат килинган нарсадан гофил, унга бепарво бўлади. Бор хаёли харфларни ёд олишда бўлади, агар биров бирор харфда хато килса, буни одамлар олдида обрўси пасайиб, мартабаси тушиб кетмаслиги учун ёмон олади, карабсанки, шу бир хато учун махзун, гамгин бўлиб қолади. Аммо ўзи билан Аллоҳ азза ва жалла ўртасидаги Куръонда амр килинган ёки кайтарилган нарсаларни зое килиб, унга ахамият ҳам бермайди, гам ҳам чекмайди.

Унинг ахлоки кўп ишларда ҳеч нарса билмайдиган жохилларнинг ахлоки бўлади. Куръон унга вожиб килган нарсаларга ўзини мажбурламайди. Зеро, у Расул соллаллоҳу алайҳи васаллам нимадан кайтарганини билиш учун илм талаб килиб, ўшалардан кайтиши лозим эди.

У ўзи билан Аллоҳ азза ва жалла ўртасидаги ишларга доир зиммасига вожиб бўлган илмларга камдан-кам назар солади, аммо дунё аҳли хузурида чиройли кўриниш учун керак бўладиган илмларга ўшаларнинг хурматини топиш максатида кўп эътибор беради. Илм асосида ҳалолни олиб, ҳаромни тарк қилиш учун керак бўлган Аллоҳ ва Унинг Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам даъват этган ҳалол-ҳаром масалаларини жуда кам билади. У неъматни таниш ва неъмат берувчига шукр қилиш илмини ўрганишга кизикмайди. Унинг калбида бир хушўси йўкки, аъзоларида зохир бўлса.

У қачон Куръон ўрганса ёки уни бошқага ўргатса, бор хаёли унинг қай пайт тугашида бўлади, ҳаргиз қачон уни фахмлашда бўлмайди. Тиловат қилганида Куръоннинг зарбулмасаллари ҳақида тафаккур қилмайди, ваъда ва ваъидларда тўхталмайди. У ўзига махлуқларнинг розилигини лозим билади, аммо оламлар Роббисининг газаби билан иши бўлмайди. Кўп дарс бериш билан танилишни яхши кўради. Куръонни хатм қилганини одамлар олдида хурмат топиш максатида изхор қилади. Уни яхши мактовлар алдаб кўяди, нодонлигидан ёлгон мактовлар билан хурсанд бўлади. Унинг амаллари жаҳолат аҳлининг амаллари бўлади. Нафси яхши кўрган нарсада хошишига эргашади, Куръон кайтарган нарсаларга эътибор бермайди.

У агар Куръон ўқитса, ундан бошқасига ўқиб берганини ёмон кўради. Агар унинг олдида бирорта аҳли Куръон киши яхшилик билан гапирилса, буни ёқтирмайди, аммо ёмонлик билан эсланса, хурсанд бўлади. У ўзидан паст кишини масҳара қилади, ўзидан юқори

инсонни писанд килмайди. У ахли Куръонларнинг айбларини уларнинг шаънини пасайтириб, ўзини кўтариш учун кидириб юради. У бошкаси хато килиб, тўғри киши ўзи бўлишини орзу килади.

Кимнинг сифати мана шундок бўлса, батахкик, у карамли Мавлосининг газабига дучор бўлибди. Бундан хам дахшатлиси шуки, унинг Куръон тиловат килиш билан ўзида солихларнинг шиорларини кўрсатиб, ботинда Аллох учун килиш лозим бўлган ишларни зое этиши, Мавлоси кайтарган ишларни килишидир. Буларнинг барчаси бошликликни яхши кўриш, дунёга мойил бўлиш сабабидандир. Зотан, Куръонни ёд олиш ва унга бармок билан ишора килинишидан ажабланиш уни алдаб кўйгандир.

У агар бирор бой ёки амалдор касал бўлиб, ундан хатм килиб беришини сўраса, у томон шошади ва бундан хурсанд бўлади. Аммо бирор ифбатли камбагал касал бўлиб қолиб, ундан хатм килиб беришини илтимос килса, бу унга огир келади.

У Куръонни ёд олади, тилида тиловат килади, холбуки унинг кўп ҳукмларини зое килади. Унинг ахлоки жохилларнинг ахлоки бўлади. У агар еса, илмсизлик билан ейди, ичса, илмсизлик билан ичади, кийса, илмсизлик билан кияди, ахли билан хам илмсизлик билан якинлашади, ухлаганда хам беилмлик билан ухлайди. У агар бировлар билан дўстлашса, уларни зиёрат килса, уларга салом берса, уларнинг олдиларига киришга изн сўраса, буларнинг барчасида Китобу суннатдан бирор нарса билмаган холда иш тутади.

Ундан бошка одам Куръондан бир пора ёд олса-да, Аллох унга вожиб килган фарзларни адо килиш ва У Зот харом килган нарсалардан қайтиш илмини ўрганиш талабида бўлади, гарчи унга эътибор берилмаса хам, бармок билан ишора килинмаса хам.

Кимнинг ахлоки мана шу бўлса, у хар бир йўлдан озадиган одам учун бир фитнага айланибди. Чунки у қачон бир яхши бўлмаган ишни килса, жохиллар унга эргашишади. Агар ўша жохил айблангудек бўлса, дархол: «Фалончи Аллох таолонинг китобини кўтарган одам буни килган, уни килишга биз муносиброкмиз-ку», дейди. Кимнинг холи шундок бўлса, батахкик, у жуда хам катта нарсага дучор бўлибди, унга хужжат собитдир, энди унга узр йўк, магар тавба килса, (бу бошка гап).

Менинг ушбу ёмон ахлоklarни баён килишга ундаган нарсa мeндан Куръон ахлига насихат бўлиши учундир. Токи олижаноб хулklarга юракдан боғлансинлар, пасткаш хулklarдан узок бўлсинлар. Бизни ҳам, уларни ҳам Аллох тўғри йўлга муваффақ килсин.

*(Давоми бор...)*

[1] Хушуъ – бу калбдаги холат бўлиб, Аллохдан хайбатланиш, У Зотни ўта хурмат килиш маъноларини англатади.

[2] Ваъид ҳам ваъда килиш маносида бўлиб, фақат у салбий маънода ишлатилади ва ёмонликни, азоб-укубатни ваъда килишни англатади.

**Таржимон:** Хасанхон Яхё Абдулмажид